230496
ЎзССР Давлат китоб палатаси

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 20 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 28 (6725)

Даъват

Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган — ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга топшириб беради.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Ибрат

Самарқанд давлат дорилфунуни математика факультети ўқув-ҳисоблаш марказида кирилл ёзувидаги матнларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўгириш йўллари ишлаб чиқилди. Бу ихтиро кирилл ёзувидаги рисолалар, қўлланмалар ва дарсликларни компьютерда тез фурсатда лотин ёзувига айлантириш имконини беради.

КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ!

Аввал хабар қилганимиздек, 12 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хориж журналистлари билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу учрашувда сўзлаган нутқи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди. Бугун эътиборингизга Ислом Каримовнинг журналистларнинг саволларига жавобларини ҳавола этамиз.

Моника Уитлокк, Би-Би-Си (Англия): Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия ўртасида тузилган шартнома кўпчилик учун мавҳум иборалардан иборат: уларда аниқ-равшан гаплар йўқ. Агар мумкин бўлса, ўзингиз тилга олган, давлатлардан устун турувчи тузилмалар тўғрисидаги маълумотларни қаердан билиб олганингизни сўзлаб берсангиз.

И.КАРИМОВ: Агар сиз мазкур ҳужжатлар билан синчиклаб танишганингизда (дарвоқе, улар ҳали ҳеч қаерда чоп қилинган эмас), саволингизга жавоб топган бўлардингиз.

Тўртлар шартномасининг 17- ва 24-моддаларида таъкидланганидек, давлатлардан устун турувчи тузилмалар, яна ҳам аниқроғи, Давлатлараро Кенгаш, Парламентлараро комитет ҳамда Интеграцион комитет тузиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатларда олий ва ижроия органлари ўша Ҳамжамият таркибига кирувчи республикаларнинг ташкилотлари ва органлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга экани таъкидланади.

Чамаси, сиз ўша ҳужжатларни имзолаш чоғида берилган баландпарвоз баёнотлар мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмагансиз.

Биз куни кеча Россия Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган бир ҳужжатни олдик. Унда ўша шартномаларнинг моҳияти изоҳланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида мен ҳам мазкур ҳужжатларни имзолашга таклиф этилган эдим. Шунинг учун ҳам мен бу тайёрланган лойиҳаларнинг муайян моддалари билан батафсил танишиб чиқиш имконига эга бўлган эдим.

Менинг бундай хулосалар чиқаришимга асос берган манбалар ана шулардир.

Имтиёз ул-Ҳақ, "Навои вақт" газетаси (Покистон): Яқин вақт ичида Тошкент ёки Самарқандда Покистоннинг йирик тижорат банки очилишига умид боғлаш мумкинми? Ўзбекистон-Покистон савдо палатасини ташкил этиш имконияти борми?

И.КАРИМОВ: Ўзбекистонда қўшма корхоналар ва бошқа қўшма тузилмалар ташкил этиш бўйича қонунлар қабул қилинган. Бунинг учун қонуний асос яратилган. Покистон ҳам бу ерда ўша қонунлар асосида сиз айтаётган тузилмаларни ташкил этиши мумкин.

Ёқуб Турон, "Озодлик" радиоси: Марказий Осиёда жойлашган уч мамлакат - Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий макон тузиш юзасидан шартномага қўл қўйган эди. Қозоғистон ва Қирғизистон сиз эслатиб ўтган Тўртлар шартномасини имзолагандан сўнг бу икки мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш ниятингиз борми?

И.КАРИМОВ: Йўқ, бизнинг бундай ниятимиз йўқ. Шу жавоб билан ҳам чекланишим мумкин эди.

Лекин сизни ҳурмат қилган ҳолда бу масалага сал кенгроқ тўхталмоқчиман. Гап шундаки, ҳар бир раҳбар Марказий Осиё минтақасида мавжуд воқелик билан ҳисоблашишга мажбур. Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясини вужудга келтириш, ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида гапирганда, аввало, бундан бир йил олдин имзоланган битимни эсга олиш керак.

Бундай интеграция ҳар бир давлатнинг манфаатларига мос келади. Бизни бирлашишга бир тарафдан халқларимиз, иккинчи тарафдан эса минтақа эҳтиёжи ундамоқда.

Менинг сизга маданий, тил ва маънавий илдизларимиз бирлиги, шу минтақада истиқомат қилаётган ҳар бир қозоқ, туркман, ўзбек, қирғиз ва тожикнинг руҳидаги бирлашишга бўлган интилиш тўғрисида гапириб ўтиришим шарт бўлмаса керак. Агар биз буни ҳисобга олмасак, тарих бизни кечирмайди.

Сиз тилга олаётган Тўртлар шартномасида унинг иштирокчиларига бошқа давлатлар билан мустақил равишда муносаба-

(Давоми 2-бетда).

Баркамол авлод — Ватаннинг бахти

Соғлом авлод учун 96

Ўзбекистон Республикаси илмий-тарбиявий, оммабоп, безакли ойлик журнали

КАМОЛОТ ЖАРЧИСИ

Ҳар бир шаклланган Халқнинг, ҳар бир ўзлигини таниган Миллатнинг тарихи — авлодлар келажагини ўйлашда, авлодлар баркамоллигини таъмин эта билишидадир. Ва минг қатла шукрки, бу таъриф бизнинг Халқимизга, Миллатимизга хосу мосдир. Эндиликда, юртбошимиз таъкидлагапларидек, «Биз, энг аввало, жигарбандларимиз — баркамол, соғлом авлоднинг истиқболини ўйлаб, келажаги буюк давлат— озод ва обод жамият бунёд этмоқдамиз». Бу йўлда ташкил этилган «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўзининг кенг кўламдаги фаолиятини олиб бормоқда.

Яқинда эса, авлодлар камолоти жарчиси сифатида «Соғлом авлод учун» журнали дунё юзини кўрди. Журнал мақсади эзгу: «Комил инсон, фазилатли одам — ҳар жиҳатдан соғлом, ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан етук, фаол шахс ҳамиша «Соғлом авлод учун» журнали кўз ўнгида, диққат марказида, яна ҳам аниқроғи, унинг доимий қаҳрамони бўлади».

Азиз муштарий! «Соғлом авлод учун» журналининг илк сонини варақлаб, қатра-қатра бол йиғдик ва Сизга илиндик (4-саҳифага қаранг).

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дил сўзлари билан очилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖУРНАЛИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Ватан, Она, фарзанд — муқаддас тушунчалардир. Бу тушунчаларга имон, муҳаббат, садоқат жон бағишлайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти она-Ватан билан тўқисдир.

Асл фарзанд ҳамиша Ватанига камол тилайди, унинг равнақи йўлида умрини бахшида этишни ўз бурчи деб билади.

Ватан эса фарзандлар камолидан шон-шавкат ва қудрат топади.

Биз, энг аввало, жигарбандларимиз — баркамол, соғлом авлоднинг истиқболини ўйлаб, келажаги буюк давлат — озод ва обод жамият бунёд этмоқдамиз.

Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқ ҳаракати қадам-қадам кучаймоқда. Бу ҳаракат фаоллари оналик ва болаликни муҳофаза этиш, келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу ижтимоий-маънавий муҳитда халқимизга хос одамийлик, оқибат, мурувват каби юксак фазилатларнинг янги қирралари намоён бўлмоқда.

Шубҳа йўқки, ўз наслини соғломлаштириш, фарзандларини комил инсон этиб тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни, ўтмиш меросимизнинг энг яхши анъаналарини ҳамда шаклланиб келаётган янги удумларни эзозлаш баробарида халқимиз маънан яшариб, беқиёс қувват касб этади. Зеро, шу муқаддас заминда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни азиз Ватан деб билган барча юртдошларимиз ўз ақлу заковатлари, фидокорона меҳнатлари билан она диёримизни жаҳоннинг етук мамлакатлари сафига олиб чиқадилар.

Умид билан сочилган яхшилик уруғи жамият ва инсоният камолига хизмат қилади. Ишонаманки, «Соғлом авлод учун» журнали халқ тили ва дилида турган эзгу сўзларни топиб айтади, олижаноб ишларнинг ташаббускори бўлади, халқнинг маънавий ва жисмоний камолатига хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1.Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон «Бизнесфонд»и бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқуллансин.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйганлиги эътироф этилсин.

Жамғарма қуйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилагани эътиборга олинсин:

— Ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларининг тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш;

—ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ эканлиги эътироф этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида у устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Камолот» жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 апрель.

Олимпиада — 96

БИЛИМДОНГА БОҚАР ОМАД!

ЎРТА МАХСУС ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАНЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ БОШЛАНДИ. Тошкентдаги учта педагогика билим юртида кўзлари ҳайрат ва ҳаяжон билан порлаб турган ёшлар куймаланиб қолди. Улар мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюришган.

— Бу ёшлар, — дейди республика Таълим илмий-методика марказининг масъул ходими Гулсара Сафоева, — ўз билимларига, ўз иқтидорларига ишонишади. Биз эса улар учун барча шарт-шароитларни яратганмиз. Мусобақалар, одатдагидек, компьютерлар ёрдамида олиб борилади. Бу нарса олимпиададаги холисликни, адолатни барқарорлаштиради...

Олимпиада... Бу сўз илмга ташна, фанларга ошна ёшларимиз кўнглида ажиб туйғулар қўзғаши сир эмас. Ахир унда қатнашиш, ғолиблик шоҳсупасини забт этиш барчага ҳам насиб этавермайди. Чунки омад энг билимдонга кулиб боқади.

Л. БЎРИЕВ.



ҲАЯЖОННИНГ ДАВОМИ БОР

Муаллим учун энг зарур фазилат нима? Билимдонлик, зукколик, фидойилик... Умуман, инсон зотига хос барча эзгу хислатлар унда мужассам бўлмоғи лозим. Сиз шундай жавоб берган бўлардингиз.

Тўғри. Бироқ, муаллим учун юқоридагилардан-да устун, яна аниқроғи, ўша барча фазилатларнинг манбаи бўлган бир туйғу бор. Бу ҳаяжон. Ўз ишидан, ранжу машаққатидан ҳаяжонланиш, завқланиш. Зеро, ҳаяжон муҳаббатни туғдиради. Муҳаббат эса комиллик нишонаси.

Тошкент шаҳридаги 105-мактабнинг 1-синф ўқитувчиси Наргиза Иноғомова ўша ҳаяжонни илк бора туймоқда. Унинг биринчи ўқувчилари «Алифбе»ни хатм қилиб, «Ўқиш китоби»га бўйлаганликларини намойиш қилишди. Наргизанинг юзида ҳаяжон... Ўқувчиларнинг юзида ҳаяжон...

Ҳаяжоннинг эса давоми бор — комиллик...

Уларни ҳеч қачон ҳаяжон тарк этмасин.

Асқар ШОКИР.
Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Педагогик ўқишлар — таҳлил ва хулосалар

ТАЪЛИМДА ЯНГИЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Халқ таълими вазири.

Республика педагогик ўқишлари мустақиллигимизнинг 5 йиллигига бағишланди. Шу 5 йил ичида мустақил давлатимизнинг таълим тизимида, мазмунида, йўналишларида, ўқитиш жараёнида қанақа янгиликлар бўлди ва булар қандай самара бераётганини ушбу ўқишларда ўқитувчилар ўзаро ўртоқлашдилар.

Педагогик ўқишлар нега айнан Бухорода ўтказилди? Биринчидан, биз ҳозир тарихимизни, бой маънавий меросимизни чуқур ўрганяпмиз. Тарихимизни бир бутун ҳолда дарс жараёнларига олиб киряпмиз.

Келгуси йили 2500 йиллиги нишонланаётган Бухорои шариф тарихимизда алоҳида ўринга эга. Аввало Бухорони кўҳна маданият, мароиф ўчоғи сифатида танладик.

Иккинчидан, асримиз бошида Бухорода янгича таълим-тарбия яловбардорлари бўлган жадидлар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Янги йўналишдаги мактаблар пайдо бўлди. Урни келганда айтиш жоизки, Бухоро диний ва дунёвий илмлар уйғунлигига тимсолдир. Тарихимизнинг маълум бир даврида мана шу мувозанат бузилиб, хурофот устун келганини ҳам яхши биламиз.

Жадидлар ана шу номутаносибликни барҳам топтириш учун, янгича усулдаги мактаблар, яъни миллий мактаблар яратиш учун курашдилар. Бухорода Файзулла Ҳўжаев, Фитрат, Айний, Самарқандда Беҳбудий, Шакурий, Тошкентда Авлоний, Мунавварқори Адурашидхон ўғли каби сиймолар бу улуғ ҳаракатга катта ҳисса қўшдилар.

Бугунги кунда биз мустақил мамлакатимизнинг янги маориф тизимини яратиш жараёнида, албатта, уларнинг маънавий меросига таянамиз.

Бундан ташқари беш йил ичида Бухорода амалга оширилган узига хос изланишлар жараёни эътиборни тортади. Бу ерда Германия, Франция тажрибалари ижодий узлаштирилиб, боғча-мактаб, бошланғич таълим тизимини тажрибадан ўтказишмоқда. Битта Бухоронинг ўзида ўнлаб кичиккичик турли ёшдаги боғчалар бор. Маҳаллаларда, оилаларда, бир қанча туманларда боғча-мактаб комплекси яратилган.

Мактабларимизда таълим-тарбия жараёнини жадаллаштиришда психологик хизматнинг аҳамияти беқиёс. Вилоят малака ошириш институтида 3 йилдан бери уч, олти ойлик курсларда мактаб психологлари, яъни руҳшуносларни тайёрлаб келинмоқда. Курсни тугатганлар мактабда руҳий хизматни йўлга қўйишмоқда: оила ва мактаб, ўқитувчи ва ўқувчи, раҳбарият ва ўқитувчилар, ўқитувчи билан ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак?

Мактабда руҳшуносларнинг хизмати жорий этилганидан сўнг ижодкорлик кескин кучайди.

Шунингдек, малака ошириш институтида барча янгиликларни ўқитувчиларга ўз вақтида етказиб бериш учун жадаллаштирилган дастур асосида таълим берилмоқда.

Ўқитувчиларга қўплаб тарқатма материаллар, дидактик материаллар, ишланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиляптики, бу яхши натижалар бермоқда. Яна бир томони институтда, мактабда муҳит ва тозалик қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги мезонни ўзлари яратишган. Мактабга кирсангиз тартиб, қиёфа, нафосат бор.

(Мақоланинг давоми ва якуний фикрларни 3-саҳифада ўқийсиз).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ **16 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.**

⊛ **Тошкентда Американинг «Озод Европа» ва «Озодлик» радиоси ваколатхонаси очилди. 45 йилдан буён ишлаб келаётган бу радиостанцияларнинг Марказий, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ ҳудудида 18 ваколатхонаси бор.**

⊛ **Покистон пойтахтидаги энг йирик «Мэриотта» меҳмонхонасида буюк саркарда Амир Темур таваллудига бағишланган тантанали анжуман бўлиб ўтди.**

⊛ **Россия ҳукумати бошлиғи Виктор Черномирдин Татаристон ҳукумати ҳамда Чеченистон Республикаси бош вазирлари Фарид Мухаметшин, Николай Кошманов билан учрашди. Унда Татаристон президенти Минтемир Шаймиев воситачилигида Жоҳар Дудаев билан музокаралар ўрнатиш имкониятлари муҳокама қилинди.**

⊛ **Россия ташаббуси билан апрель ойида Москвада бўлиб ўтадиган «еттилик» мамлакатлари бошлиқларининг махсус конференциясида ядро хавфсизлиги масаласи кўриб чиқилади. Шунингдек, бу йиғинда Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Латвия, Грузия ва Ўзбекистонга ядро материалларини сақлашни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш учун 330 млн. доллар ажратиш тўғрисидаги АҚШ нинг расмий баёноти ҳам кутилмоқда.**

⊛ **Словения, яъни собиқ Югославия Республикаси ҳарбий заҳирасидан 79 та танкнинг йўқолиши бу мамлакатда сиёсий можаронинг келиб чиқишига сабаб бўлди.**

⊛ **Америка томонидан Покистонга яқин кунларда етказиб бериладиган 368 млн. долларлик қурол-яроғлар Жанубий Осиёда қуролланиш пойгасининг қайтадан тикланишига олиб келади, деди Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Праноб Мукержи.**

⊛ **Ливия бошлиғи Муаммар Каддафий халқаро инспекторларга АҚШ маъмуриятида химиявий қурол учун мўлжалланган, деган гумон уйғотган қурилиш жойини кўздан кечиришга розилик берди. Унинг таъкидлашича, Американинг ҳеч қанақа бунга исботи йўқ.**

МММ — ХАБАРЛАРИ

БЕШАРИҚДА БИТТАГИНА

Бешариқ туманида «Йил тарбиячиси — 96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати тарбиячиларнинг билим маҳоратларини, болаларга бўлган меҳр-муҳаббатларини одилона баҳоладилар. Танлов якунида Нурсух қишлоғидаги «Иқбол» болалар боғчаси тарбиячиси Шаҳзодахон Тожиева туман танловининг мутлақ ғолиби деб топилди.

ТАЪЛИМ ТАКОМИЛИ — БОШ МАВЗУ

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 1-лицейга вилоятдаги барча лицейлар директорлари, табиий фанлар ва инглиз тили ўқитувчилари ташриф буюришди. Улар иштирокида янги турдаги ўқув муассасалар фаолиятини чуқурлаштириш мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. «Вилоятимизда иқтидорли болаларга эътиборни кучайтиришга ва янги-янги лицейлар ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Бухорбой Акрамов. — Мавжуд лицейларимиз фаолиятини чуқурлаштиришга бағишланган мазкур кенгаш ҳам, ўйлашимча, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таассуротлар тез орада жойларда ўз самараларини бериб қолса, ажабмас.»

ХАФА БЎЛМАНГ, МЕҲМОНЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги 34-ўрта мактабда «Қизил ярим ой жамияти» билан ҳамкорликда «Саломатликнинг ёш дўстлари» мактабларо кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги 15 та мактаб жамоалари иштирок этишди.

Саккизта шартдан иборат бўлган ушбу беллашувда 34-ўрта мактаб аҳли — мезбонлар ғолиб чиқишди.

ҚУРИЛДИ ЯНГИ БОҒЧА, ҚАНДИНГНИ УР, ДЎМБОҚЧА

Шошқин Жайхун дарёсининг чап қирғоғида Ҳўжайли туманига қарашли «Водник» деб аталувчи мавзе жойлашган. Яқинда ушбу гўша аҳолиси ажойиб совғага мушарраф бўлди. Барча қулайликларга эга бўлган 280 ўринли болалар боғчасининг фойдаланишга топширилишидан қувонган кичкинтойларнинг шўх қийқириқлари Жайхун тўлқинлари билан уйғунлашиб кетди.

МУАЛЛИФЛАР: М. Холматов, И. Бўрибоев, Ш. Шоисломова, Ғ. Ёқубов.

Сиртқи дарс

22. АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Амир Темурнинг дипломатлик иқтидори билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда ўз аждодларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Дипломат ким? Уларнинг тарихдаги ўрни.
2. Амир Темурнинг дипломатлик санъати ва одоби.

Маълумки, аждодларимиз қадимдан қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва элчилик муносабатларини жойига қўйиб келганлар. Буюк ипак йўли тарихи бундан гувоҳлик беради. Бундан ташқари юртнинг тинчлиги ва фаровонлиги ҳам савдогар ва элчиларга боғлиқ бўлган. Қадимда савдогарлар ўта билимдон дипломат бўлганлар. Шунинг учун ҳам уларга катта масъулият юкланган. Маҳмуд Ялавоч мураккаб фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Алишер Навоий ёзадилар: «Савдогар саёҳатни севади, дунёнинг ҳар хил иқлим ва шаҳарларидан хабар топади...» Айниқса, элчилар масъулияти катта бўлган.

Ҳазрати Соҳибқирон элчиларга ўта талабчан бўлганликларини Ибн Арабшоҳ қуйидагича ҳикоя қилади:

«Миср ҳукмдорларидан Байсақ деган киши Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келади. У ҳазрати Соҳибқиронга мактуб топширгач ва мактуб мазмунидан огоҳ бўлингач, ул зот сўрадилар:

— Ҳақни сўзла, исминг нима?

— Байсақ.

— Бу хунук сўз қандай маънони англатади?

— Эй, мавлоно! Мен билмайман.

— Сен ҳали ўз исминг маъносини билмайсан-у, қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан? Агар подшоҳларнинг элчиларга озор етказмаслик одатлари бўлмаса эди — улар шу қоидани азалдан ўрнатганлар ва шу йўлдан юрганлар... — албатта, мен сенинг ҳаққингга муносиб ишни қилардим ва ўзинг лойиқ бўлган аҳволга сени етказардим. Ана шу гаплардан кейин сенда гуноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга бу ишни топширган киши устидадир; аммо унинг ҳам айби йўқ, чунки илминг бориб етган нуқтаси ва ақл-фаҳмининг чегараси ана шу!»

Бу иқтибосдан ҳазрати Соҳибқироннинг «исм, ном» деганларида чуқур маъно ётганлигини, яъни ҳар ким ўзини, ўз ўтмишини, ўзлигини яхши билиши лозимлигини уқиш қийин эмас. Бу хислат, айниқса, элчиларда бўлмоғи лозимлиги таъкидланмоқда.

Яна бир мисол. Италиялик савдогар Белтрамус де Мигнанелли 1416 йилда лотин тилида ўзининг «Амир Темур ҳаёти» деган асарини ёзган. У ўз асарида шундай ёзади: «Дамашқ шаҳрини осойишта сақлаб турган Амир Темур бир куни асира тушган мамлукларнинг орасидан собиқ сарой аъёнларини, шаҳзодаларни ўз қабулига чақириди ҳамда Дамашқ шаҳзодасидан бошлаб барчани имтиҳон қилади: ким қайси вазифада ишлашини ва ўз вазифасини қандай адо этганини аниқлайди. Сўнг охирида Амир Темур деди:

— Сен ялқовлар нодон подшо қўли остида экансанлар. У нодон бўлмаса, сенларга ўхшаган ишёқмасларни шундай муҳим вазифаларга тайинлар эдими? Сенларни мол боқтиришдан бошқа ишга тайинлаб бўлмайди, чунки сенларда донолик ва улуғлик етишмайди».

Шомлик бир фақиҳ билан суҳбатда Амир Темур: «Мен қонхўр одам эмасман. Бунга Тангри таоло гувоҳ. Урушларда мен босқинчилик қилмаганман. Бошларига тушган барча кулфатларга ёғийларимнинг ўзлари сабабчидирлар» (Эдвард Гиббон. Румо империясининг емирилиши ва қулаши тарихи. Олти жилдлик, 6-жилд, Нью-Йорк, 1880, 374-бет).

Амир Темур бошқа давлатлар билан дўстона муносабат, элчилик қонун-қоидаларининг пухта билимдони эдилар.

Амир Темур Боязидга ёзган мактубида: «Сиз ота-боболарингиздан тортиб кофирлар ва дин душманлари билан жангу муҳораба қилиб келаётганингиз ҳақида ёзибсиз. Бу маъни биз учун ҳам равшан. Биз доимо шу маъни сабабли сизнинг хонадонингизга ишонч билан қараб келдик ва ҳозирда ҳам... жанобингиз ҳеч бир хавотирсиз у диёр кофирларига қарши машғул бўлсинлар. Биз тарафдан эса жанобингиз томонга турли иноятлар ва мададлар қай бир важҳданки муяссар бўлса, кўрсатилади».

Бошқа бир ўринда Амир Темур ўзларининг Румга юришларидан у худуд сокинлари аҳволига андак изтироб, бесаранжомлик йўл топганлиги сабабли мабодо жанобингиз қувватларига заифлик етишиб, фурсатдан фойдаланган фаранг кофирлари голиб келмасинлар ва у диёрда ислом боғларининг райҳонлари таровати сўнишга бошламасин...

Муҳаббат шартларига риоят қилсалар, икки мамлакат халойиқининг ва аҳолисининг осойиши бўла олур. Бу дўстлик сурати мусулмонлик кунлари сафҳаларида ва боғларида ёзилганча қолур.

Яна бир мактубда Амир Темур Султон Боязидга ёзадилар: «Бизнинг Сиз жаноб билан бирлик ва якдилликда бўлишимиз учун турли-туман сабаб ва боислар мавжуддир ва уларга ҳусни эътиқод кўмаги боғлангандир. Шунга биноан ақлу киёсат етуклиги ва мулкни бошқариш шуни тақозо этадики, дўстлик қоидаларини мустаҳкамлашда саъй-ҳаракатларини аямасинлар ва бу маънини айни садоқат деб билсинлар ва мусолаҳа шарбатини самимий ақида ва садқи ниятдан узоқ бўлмиш кудурат лойқасидан мусаффо тутсинлар. Чунки, дунё ва ундаги барча нарсалар, қудрат эгалари ва арбоблари шундай бир тарзда тириклик ўтказсинларки, у йўлдан мусулмонлар ва фуқароларга зарар етмасин».

Ёки яна бошқа бир мисол. Ҳазрати Соҳибқирон бошқа мамлакат ҳукмдорларининг жасорати ва ватанпарварлигини қадрлаганлар. 1392 йили Шероз ҳокими Музаффарийлар сулоласидан бўлган Шоҳ Мансур билан бўлган муносабатни олиб кўрсак. Амир Темур юборган қоровул Шоҳ Мансурнинг озроқ тўда билан қочиб кетаётгани хабарини келтиради. Амир Темур ўзларининг зарбдор қисмларини Шуштар атрофида қолдириб, кичик аскарий гуруҳ билан Шероз сари йўлга чиқадилар. Шерозга уч фарсанг қолганда уларни уч минг суворий қуршаб олади. Ҳазрати Соҳибқирон ҳеч иккиланмай тўдани ҳужумга бошлайдилар. Ғанимга қаттиқ шикаст етказилади. Шоҳ Мансур ҳазрати Соҳибқирон тўдасига ташланади. Кўпчилик шаҳид бўлади. Шоҳ Мансур уч бор Соҳибқиронга қилич солади. Дастлабки икки зарбани Хумори ясовул ва Таваккал боварчи қайтаришга муваффақ бўлади. Соҳибқирон ҳаёти хавф остида қолади. Жавонгордан етиб келган мадад Шоҳ Мансурни чекинишга мажбур қилади. Ҳазрати Соҳибқироннинг Шоҳ Мансурга нисбатан барибир ҳурмати ортади. У ҳам бўлса, Шоҳ Мансур жасурлиги, ватанпарварлиги ва ҳарбий санъатни мукаммал ўзлаштирганидан. Ҳазрати Соҳибқирон унинг икки қилич билан мардона жанг қилишини кўрдилар. Яradор Шоҳ Мансурни бир мўғул ўлдиради. Бундан ҳазрати Соҳибқирон афсусланиб, мўғулдан қаттиқ ўч олдилар, Шоҳ Мансурнинг жасоратини улуғлайдиган китоблар ёздириб, тарқатдилар. Қасидалар ёздирдилар. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: «Илм-маърифатли кишилар у асарлардан истифода қилиб, котиблару мактаб болалари уларни меҳр билан ёд олардилар».

Ҳазрати Соҳибқирон номидан Оврўпога элчи бўлиб борган епископ Иоанн Бринло шундай ёзади: «Испания қироли Генрих учинчининг биринчи элчиси келганда Темурбек Туркияда Йилдирим Боязидга қарши жанг қилаётган эди. Бу элчи Темурбек ва унинг навкарлари жасоратини кўришга муваффақ бўлди... Кастилия қироли Амир ҳузурига Рюи Гонзалес де Клавихо исмли бошқа бир элчини жўнатди. Мен бу элчини 1403 йили кўрдим. 1403 йил 8 декабри, душанба куни Кастилия қироли элчисини Амир Темур ҳузурида қабул қилиш маросими бўлиб ўтди...

Темурбек араб тилида сўради:

— Фарангнинг энг катта подшоси, бизнинг азиз ўғлимиз Кастилия қиролининг соғлиғи яхшими?

Клавихо араб тилини яхши тушунарди, жавоб берди:

— Унинг соғлиғи жуда яхши. У улуғ Амирга Тангри таолодан саломатлик ва узоқ умр тилайди.

Элчи ўз подшосининг мактубини Темурбек қўлига топширди. Улуғ Амир мактубни ола туриб сўради:

— Нома қайси тилда битилган?

— Испан тилида, — жавоб берди элчи.

— Бу ерда сен ва ҳамроҳларингдан бошқа испан тилида ўқийдиган одам топилмайди-ку! Бўпти, мактубни зиёфатдан кейин ўқиймиз, — деди Амир... Амир Темур элчига деди:

— Сен ҳатто совға-саломсиз келиб, менга Кастилия қиролининг саломатлиги муждасини етказганингда ҳам хушвақт бўлардим».

Энди ҳазрати Соҳибқироннинг Миср султони Барқуқ билан муносабатларига келсак, 1393 йил октябрида Шайх Сувоҳ бошчилигида Қоҳирага қимматбаҳо ҳадялар билан элчилар жўнатилади. Султон Барқуқ буйруғига кўра элчилар ҳибсга олиниб, моллари тортиб олинади. Амир Темур элчилар билан юборган хатида Эрон ва Ироқ чегарадош эканлигини эслатиб, «дўстона муносабатлар ўрнатиш, элчилар айирбошлаш ва савдогарларга иккала мамлакат узра эркин ҳаракат қилиш» имконини яратишни таклиф қилган эдилар. Султон Барқуқ эса ўша даврда эътироф қилинган дипломатик муносабатлар қоидаларига хилоф равишда элчиларни қатл қилиш ҳақида фармон берди...

1403 йили Амир Темур янги Миср султони Фаражга элчи жўнатиб, Миср мамлук давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш рағбатини билдирди.

1404 йили Конигилда бўлиб ўтган маросимда қатнашган Миср элчиси орқали зарҳал ҳарфлар билан узунасига 17 газ, энига уч газдан иборат ипак қоғозга хайрихоҳлик руҳида ёзилган нома юборилди. Мавлоно Абдулло Кеший элчи қилиб жўнатилди. Ҳазрати Соҳибқирон султон Фаражга сулҳ шартномасини имзолашни таклиф этди.

Ҳазрати Соҳибқирон қайси шаҳарни фатҳ этмасинлар, у ерда адолат ўрнатишни мақсад қилганлар. Масалан, Деҳли шаҳри қўлга киритилгач, Ғиёсиддин Алининг ёзишича, 1398 йил 18 декабрида Амир Темур шаҳар халқини ўз ҳимоясида тутмоқни сўраган шаҳар аъёнлари ва шаҳзодалар илтимосини қондирганлар. Шаҳар халқини талон-торож этмасликни буюрганлар. Бироқ 1398 йил 26 декабрь куни қўшинлар сўроқсиз талон бошлаганлар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар беришмаган. Охирида бу фожиадан хабар топган Амир Темур «худди найза теккандай ва заҳар ичгандай» изтироб чекканлар.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, элчи ниҳоятда билимдон, сухандон бўлмоғи, барча фанлардан огоҳ бўлмоғи лозим. У, аввало, ўз она тилини, сўнг ўзи бораётган юрт тили ва урф-одатларини билмоғи лозим бўлган. Ахир у бутун бир халқ номидан вакил қилинган. У ватанпарвар бўлмоғи лозим.

Амир Темур элчилари ана шундай хислатларнинг соҳиби бўлганлар.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ!

(Боши 1-бетда).

бат ўрнатиш ва шартномалар тузишга изн берадиган модда бор.

Муҳими, мен дўстим Нурсултон Назарбоевни Қозоғистоннинг ва бутун минтақамизнинг ватанпарвари деб биламан. Асқар Акаев тўғрисида ҳам шуни айтишим мумкин.

Булар барчаси бизнинг ҳамкорлигимиз учун шарт-шароит яратади.

Ю.Галимов, "Деловой мир" (Россия): Жаноб Президент, Сиз Россия ҳамон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолаётгани тўғрисида гапирдингиз. Бу икки мамлакатнинг кўплаб бизнесменларига ҳам тааллуқли. Бизнинг ўқувчиларимизни шундай савол қизиқтиради: зикр этилган тўрт давлатнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви валюта бозори шаклланишига қандай таъсир кўрсатади? Мен МДҲ ҳудудида "юмшоқ" валюталарнинг курсини аниқлаш механизми, давлатлар ўртасидаги тўловлар механизмини назарда тутяпман.

И.КАРИМОВ: Менинг Тўртлар шартномаси қатнашчилари номидан гапириш ваколатим йўқ. Шунинг учун фақат ўз мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. МДҲ доирасида имзоланган битимларда сиз сўраётган муаммоларни ҳал этишнинг анча мақбул йўллари кўзда тутилган. Булар сирасига божхоналар иттифоқи, тўловлар иттифоқи тўғрисида битимлар имзолаш ва ундан кейин валюта иттифоқи тўғрисидаги битим билан боғлиқ масалаларни ечиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугун божхоналар иттифоқи унинг таркибига кирган мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, товар айланмасини кескин кўпайтириш имконини берди, деб гапирилганда, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Агар тўловлар ҳамда бунинг учун маърифий меъёрлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаса, товар айланмасининг ўзи давлатларнинг маърифий муносабатларида ҳеч нарсани англатмайди. Энди айтинг-чи, қайси корхона, қайси савдо тузилмаси, ўзаро тўловлар таъминланмай туриб, бошқа мамлакатга товар юбориши мумкин? Ахир бугунги кунда Россия корхоналари ўртасидаги ўзаро қарзлар миқдори, Россиянинг ўз матбуоти хабарларига қараганда, ниҳоятда кўпайиб кетган. Афсуски, улар камаймаяпти. Мазкур принципиал масалани ҳал этмай туриб, қандай қилиб савдо айланмаси тўғрисида гапириш мумкин? Агар Россиянинг ўзида тўловлар масаласи ҳал этилмаса, қандай қилиб уларни давлатлар ўртасида ҳал этиш мумкин?

Валюта ва валюта курси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалани ҳал этиш ўта муҳим, бундан кейинги барча муносабатларимиз шу билан бевосита боғлиқдир. Россия Давлат банки бошқарувчиси жаноб Дубинин яқинда Россия тез орада Халқаро валюта фонди билан валютани жорий ҳисоб-китоблар бўйича конвертация қилишга тегишли битимни имзолашга ва мазкур фонд Уставининг 8-бандига қўшилишга тайёр эканини билдирди. Демак, ҳозирча валюта эркин конвертация қилинмайди, бироқ жорий ҳисоб-китоблар конвертация этилади. Бу Россия рублининг катта ютуғидир.

Бизга маълум бўлишича, бугунги кунда Россиянинг олтин-валюта ресурслари, заҳираси 14 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва бу Россиянинг уч ойлик импортини таъминлаши мумкин. Бу миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шартларидан биридир. Россия билан савдо-сотиқ қилишни истаётган шерикларнинг аҳволи қалай, улар ҳам Россия билан тенг бўлишга тайёрми? Мендаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида бу масалада Россия билан бир қаторда тура оладиган ягона мамлакатдир. Буни Халқаро валюта фонди ҳам тасдиқлайди.

Заҳираларимиз, жумладан, олтин-валюта заҳираларимиз билан импорт операцияларни уч ой эмас, олти ой ҳам кафолатлаш имкониятига эгамиз. Россия ўз рублини қандай кафолатлаган бўлса, миллий валютамизни биз ҳам барча мезонлар ва шартлар бўйича шундай кафолатлашга қодирмиз.

Бошқа давлатларга келсак, мен уларнинг ички имкониятларидан хабардор эмасман, шуни аниқ биламанки, том маънодаги савдо ва тўловни йўлга қўйиш учун барча ўша мезонларга интилиши, ўша шартларга сўзсиз амал қилиши керак.

Ш.Ғаниева (РЖТ мухбири): Муҳтарам Президент, МДҲдаги вазият Россияда воқеаларнинг бундан кейин қандай кечиши билан боғлиқ, дедингиз. Башарти сайловларда коммунистларнинг қўли баланд келса, чуқур интеграциялашув шартномасига имзо чеккан давлатлар тақдирига мазкур салбий ҳодиса қандай таъсир этиши мумкин? Россия билан Ўзбекистоннинг муносабатлари қандай бўлади? Воқеаларнинг қандай кечишидан қатъий назар, Россия бари бир Ўзбекистоннинг иқтисоди жиҳатдан асосий шериги бўлиб қолиши муқаррар-ку?!

И.КАРИМОВ: Агар Россияда шу воқеа юз берса, рўй-рост айтмоқчиман, вазият мушкуллашади.

Россияда коммунистлар ҳукумат тепасига келса, иқтисодиётни бошқариш, мулкчилик масалалари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чигаллашуви, ўзгача тартиблар ўрнатилиши турган гап. Гарчи жаноб Зюганов Давосда ва бошқа жойлардаги учрашувларида, хавотир олманглар, биз маърифий мезонлар ва қонунчиликка шак келтирмаймиз, деб жар солаётган бўлса-да, вазият кескинлашмаслигига кўзим етмайди.

Жаноб Зюгановнинг баёнотларида чалкаш, мужмал мулоҳазалар жуда кўп. Коммунистлар замони келса, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатлар ўтмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти муносабатлари мезонлари чиппакка чиқиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиёти муносабатлари билан коммунистлар ўз дастурларида олға сураётган ғоялар, йўл-йўриқлар шу қадар ғайриқонуний, бу илон билан типратиконни чатиштиришдек гап.

Сайловда коммунистларнинг ютиб чиқиши, аввало Россиянинг ўзини умумжаҳон тараққиётидан бир неча йиллар орқага улоқтириб юборади ва табиийки, бу ҳол Россиянинг бошқа давлатлар билан, аввало МДҲ давлатлари билан ўзаро муносабатларига путур етказади. Комил ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмайди. Менинг қатъий фикрим шу.

Х.Убайдуллаев, Би-Би-Си мухбири: Президент жаноблари, агар янглишмасам, ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган бир мажлисда, сиз Ўзбекистон матбуотини аямасдан танқид қилдингиз. Мана, орадан анча вақт ўтди. Ўзбекистон матбуоти ва телевидениесига бугун сиз қандай баҳо берган бўлардингиз?

И.КАРИМОВ: Жуда яхши савол бердингиз. Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Модомики, Ўзбекистон эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариши керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди.

Афсуски, мен буни ошкора тан олмоқчиман, республика тизимларининг нафақат ўрта, юқори раҳбарлик бўғинларида буни ҳали ҳам тўла тушуниб етмаган кишилар бор. Ўтмишнинг қотиб қолган андозалари таъсиридан қутулиш жуда қийин кечаётир. Вазиятни фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди. Одамларнинг, айниқса, раҳбарларнинг дунёқарашини ўзгартириш керак. Бу - ўта муҳим масала.

Газеталаримиз саҳифаларида, радио ва телевидениеда танқид пайдо бўлса, негадир уни мамлакатимизда ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар мавжудлигининг аломати, деб тушуниш расм бўлган. Россия журналистлари билан мулоқотимда мен танқидий руҳ барча ривожланган давлатлар матбуоти, радио ва телевидениеси учун хослигини, пировардида бу услуб олға силжиш, эришилган ютуқлардан эсанкираб қолмасликнинг таъсирчан, ижчил омили эканлигини таъкидлаган эдим. Ҳар бир инсон, хусусан раҳбар ўз камчиликларини кўриб туриши, бу қусурлардан тезроқ қутулишга ва ўз қобиғига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиши керак. Бу коррупцияга ва қонунбузарликка қарши курашнинг энг муҳим шартидир.

Туман, шаҳар, вилоят хокими ёки бирор-бир вазир газетада танқид қилинса, осмон узилиб ерга тушгандай бўлади. Албатта, танқид холис бўлиши, кишилар шахсиятига, иззат-нафсига тегмаслиги керак.

Лекин танқиднинг бўлиши шубҳасиз. Бусиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур этиш қийин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу журналистларнинг савияси билан боғлиқ. Хўш, журналистларимизнинг ўзлари шу вазифани адо этишга, холис ёндошувга тайёрмилар? Афсуски, ўз фаолиятини мазкур мезонлар билан ўлчайдиган, мулоҳаза юритадиган мухбирлар ҳали жуда кам.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури, Европа мамлакатлари ва АҚШ билан ҳамкорлик тизими бўйича Ўзбекистонда ўтказилаётган турли тадбирларни мен чин юракдан қутлайман, қўллаб-қувватлайман, улар ҳамкасбларига касбий маҳорат сирларини эгаллашда яқиндан ёрдам беришяпти. Би-Би-Си мониторинг ваколатхонасининг Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Мамлакатимизда куни-кеча "Озодлик" радиостанциясининг ваколатхонаси ҳам иш бошлади. Ўзбекистонда Си-Эн-Эн ва жаҳоннинг бошқа етакчи телевидение ва радиостанциялари ҳам ўз ваколатхоналарини очишса, журналистларимиз Ғарб матбуоти вакиллари билан бақамти ҳамкорлик қилиб, газеталарнинг қўшма сонларини чоп этишса, мен жуда мамнун бўлардим. Етакчи газеталаримиз хорижий тилда илова ёки махсус сонлар тайёрлашса, кейин ўзбек тилига ўгирилса ёки аксинча, ўзбек тилидан бошқа тилга таржима қилинса, бунинг нимаси ёмон?!

Яна такрорлайман: мақола ва газета сонларини тайёрлашда катта тажрибага эга бўлган хорижий журналистларнинг мухбирларимиз билан ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Ҳамкорликнинг мазкур янги тармоғи сирсиноатларини эгаллашда бизга яқиндан ёрдам берган бўлардингиз.

Биз дунёга юз очдик деганда, қилишимиз керак бўлган ишларнинг нари борса ярмини тасаввур этамиз, холос. Ваҳоланки, биз бизнесменларга, молия, тижорат тизимларига хорижий компанияларга эмас, аввало Ғарб матбуотига юз буришимиз, чет эллик мухбирлар ва Ғарб оммавий ахборот воситалари вакилларига газеталаримиз саҳифаларидан кенг ўрин беришимиз керак.

Хуллас, қисқача қилиб айтганда, ахборот воситаларининг бугунги аҳволи мени қониқтирмайди.

Т.Қоратоев, Ўзбекистон телевидениеси мухбири: Муҳтарам Президент, собиқ Иттифоқни тиклашга доир масалага сиз аниқ, қатъий фикрингизни айтдингиз. Бошқа мамлакатлар, дейлик МДҲга аъзо Тожикистон, Туркманистон, Грузия, Арманистоннинг мазкур масалага муносабатлари сизга маълумми? Уларнинг Тўртлар шартномасига қўшилиш эҳтимоли борми?

И.КАРИМОВ: Бир эмас бир неча марта айтдим: мазкур шартномага қўшилиш ёки бошқа шартномаларга имзо чекиш алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ички иши.

Мен ўз маъруза ва суҳбатларимда бир неча марта такрорлаганманки, бошқа мамлакатлар бу шартномага қўшиладими ёки қўшилмайдими, шартномани имзолайдими-йўқми — бу ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқи ва ички ишидир. Ҳар бир мустақил давлат бугун ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоқда ва халқи олдида ҳам ўзи жавоб беради. Шартномага ким қандай қараётганини менинг чиқишларимдан эмас, матбуотдан ўқиб, коса тагида ним коса борлигини мулоҳаза қилиш керак.

Р.Тэлль, "Рабочая трибуна" газетаси мухбири: Ўзбекистоннинг МДҲ доирасига кирмайдиган бирон-бир битимда қатнашишини қатъий рад этадиган қандайдир бирорта бошқа таклифи борми? Агар бўлса, бу таклифни сиз МДҲ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўладиган учрашувида ўртага қўясизми?

И.КАРИМОВ: Мен ўзимнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларимда собиқ Иттифоқ ҳудудида бўладиган ҳар қандай интеграцияга қўшилишимизнинг бешта шартини айтиб ўтган эдим. Буларни яна такрорлаб ўтаман.

Биринчидан: бу ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, мустақилликни сақлаб қолиш.

Иккинчидан: интеграцияга қўшилаётган ҳар бир давлат бир хилдаги қонуний базага, бир хилдаги ислоҳотлар йўналишига эга бўлиши лозим.

Учинчидан: интеграцияга қўшилаётган давлатлар ўз режаларини бировлар ҳисобига тузмаслиги, яъни боқимандаликка йўл қўймаслиги керак.

Тўртинчидан: интеграция жараёнларини сунъий тарзда тезлатиш керак эмас. Интеграция бу - ўта жиддий ва узоқ давом этадиган жараёндир. Уни амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилмоғи лозим.

Бу жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш жуда хавфли. Ва сўнгги - **бешинчи шарт,** интеграцион жараёнларга мафкуравий тус бермасликдир. Аравани отдан олдин қўйиб бўлмайди.

Давлатлараро тизимлар тузиш, шундан кейин иқтисодий масалаларни, иқтисодий интеграцияни ҳал этиш биз учун мутлақо номақбулдир.

Иқтисодий вазият, ягона иқтисодий ҳудуд табиий суратда етилиши ва амал қилиши керак. Шундан кейингина интеграциянинг бошқа шакллари, жумладан, сиёсий интеграция пайдо бўлишига майдон яралади.

Энди менинг ҳам сизларга бир савол беришимга ижозат этсангизлар: **интеграциябозлик хуружи қаердан келиб чиқди ўзи? Бу сўзсиз амалга оширилиши зарур бўлган мақсадми?** Негадир бирор мамлакат интеграцияга қўшилмаса, эртагаёқ ҳалокатга учрайди, деган башоратларнинг замирида нима бор?

Интеграция ғоясини чайқовга солмаслик керак. Интеграция ва кооперация тараққиётга, иқтисодий юксалишга хизмат қилмоғи, иқтисодий ўсиш ва юксалиш йўлида ўртадан тўсиқларни кўтармоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир давлат аввало ўз кучига таяниб нимадир қилиши лозим. Ислоҳотларни ўтказиш баробарида қонуний ва ҳуқуқий асослар яратиш, одамларни ўқитиш, фойданлимаётган имкониятларни ишга солиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни топиш ва жалб этиш, янги иш жойлари яратишни ўрганиш зарур. Бу — олға боришимизнинг бош шартларидан бири. Биз Ўзбекистонда ўз келажагимизни шундай тасаввур этамиз. Шу ва фақат шу асосда интеграция имкониятларидан фойдаланиш, оқилона кооперация йўлидаги турли тўсиқларни олиб ташлаш лозим бўлади. МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ўзи интеграция учун етарли даражада асос яратади. Биз эса бошланган ишни охирига етказмай, қабул қилинган қарорларни амалга оширмасданоқ улардан юз ўгирамиз ва яна янгидан-янги иттифоқлар тузмоқчи бўламиз. Бу қандайдир интеграция ўйинига, ўйин бўлганда ҳам сўнгсиз ўйинга айланиб қолмоқда. Яқинда мен оддий бир одамдан бу жараёнлар ҳақида ғалати бир таърифни эшитдим. Унинг айтишича, беш йил ағдар-тўнтар қилишди, энди яна беш йил қайтадан тиклашади. Халқ эса кутиб туравради. Бу - одамларни кундалик муаммолардан чалғитишга, моҳиятан камчиликлар учун масъулиятдан қочишга қаратилган хатти-ҳаракатдан ўзга нарса эмас. Бу - оддий одамнинг фикри.

Ю.Черногаев, "Постфактум" ахборот агентлиги: Ижозатингиз билан бир вазиятни аниқлаштириш учун шундай савол бермоқчи эдим. Бу бизнинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегараларимиздаги ўта либерал божхона тартиби билан боғлиқдир. Бу икки мамлакат Тўртлар битимини имзолагани сабабли божхона тартибида ўзгаришлар бўладими? Сиз ушбу ҳужжатларни имзолашимиз учун Ўзбекистон аллақандай бир тазйиқни сезиб турибди, деб айтдингиз. Бундай тазйиқ қай шаклда амалга оширилмоқда?

И.КАРИМОВ: Бизнинг тарафимиздан мол айирбошлашни чегараловчи, одамларнинг ўзаро муносабатларини чекловчи, умуман бу икки мамлакат билан мавжуд ҳамкорликни чекловчи бирон - бир қўшимча тадбир амалга оширилмайди. Мен буни қатъий айтаётирман. Биз бу ҳолга йўл қўймаймиз ҳам.

Иккинчи саволингизга келсак, айтишим керакки, мен бизга тазйиқ кўрсатиляпти деганим йўқ, сўзма-сўз айтганда, бизни астойдил таклиф қилмоқдалар, дедим. Кўриб турибсизки, бунда фарқ бор. Мен сизларни бу масалаларга жиддий ёндашишга даъват этаман.

Агар кескинроқ гапирган бўлсам, шу боисданким, мен собиқ Иттифоқ у ёки бу шаклда қайта тикланиши эҳтимоли ҳақида эшитишни қатъиян истамайман. Мен бу Иттифоқни ичичидан яхши биламан.

Унинг барча иллатлари ва Ўзбекистон халқи учун номақбуллигини яхши биламан.

Афсуски, инсоннинг хотираси унутиш касалига гирифтордир. Аммо мен 83-йилдан то 89-йилгача бўлган яқин тарихимизни, бизнинг бошимиз узра, ўзбеклар ва Ўзбекистон узра қандай бебошликлар - қонунга хилоф ишлар амалга оширилган даврни асло унута олмайман. Ўша манзаралар ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди. Улар хусусида юрагим тўлиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан гапиролмайман. Ўзбекистонда қандай мудҳиш ишлар қилинган бўлса, ҳаммаси КПСС МК ва Сиёсий Бюросининг хоҳиш-иродаси билан содир этилган.

Биздан сўрамай-нетмай, розилигимизни олмай яна орқага қайтайлик, яна бирга яшайлик, деб турадиган Е.Лигачёвга ўхшаш кимсалар пайдо бўлгандан кейин, мен ҳаяжонимни босиб гапиролмайман. Ёки Лукьяновни олайлик... Қирғизистон билан чегарада, Ўшда фожеалар юз бериб турганда, мен унга Тошкентдан туриб уч марта қўнғироқ қилдим. Горбачев ҳақида, шахсан ўзим гаплашган бошқа "арбоблар" ҳақида гапириб ўтирмайман.

Мен уларга шахсан мурожаат қилиб, одамлар ўлмоқда, тўкилаётган қон эрта-индин бутун Ўрта Осиёни хонавайрон этади, деб худонинг зорини қилдим, ёрдам берингдар, деб қанчалар ёлвордим. Қанақа жавоб олдик бу мурожаатларга? Фақат ўзимиз - ўзбеклар ва қирғизлар бу муаммони ҳал қилдик. Фақат ақл-идрок, фақат ақл-фаросат, одамларимизнинг яхши ният ва олижаноблиги ўша даҳшатли фалокатнинг олдини тўсди. Шу боис айтмоқчиман, менинг яккаю ягона хоҳишим - Ўзбекистонга ҳеч ким халақит бермасин! Ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этаётган бошқа республикаларга ҳам халақит берилмасин!

Янги алифбони ўрганамиз

Малика Муслимова Тошкентдаги 123-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. У ўз синфида факультатив соатларда болаларга лотин ёзувини ҳам ўргатмоқда. Ҳозирга келиб ўқувчилар бу ёзувда хатосиз ёзиб, ўқишмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЯХШИ ИШГА ОҚ ФОТИҲА

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорликда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»ни жорий этиш тажрибасига бағишланган шаҳар илмий-амалий анжуманини ўтказди. Ялпи йиғилишни халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Шомухтор Шомансуров лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш юзасидан шаҳар таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларга доир маъруза қилди. Шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига киритилган янги ўзгаришлар ва алифбонинг жамиятимиз тараққиётида тутган урни ҳақида таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг анжуман қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, очиқ дарсларга киришди. Янги алифбога ўтиш буйича шаҳар мактабларида олиб борилаётган яхши ишларни кўриб, хурсанд бўлишди.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

Металл — Ватанга!

НОНДЕК АЗИЗ ВА ЗАРУР

Республикамиз саноатчиларининг ҳикматли ибораси бор: «Металл ҳам нондек азиз!» Чиндан ҳам мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётини, элимиз ҳаётини қора ва рангли металларсиз тасаввур қилиш қийин. Оддий игнадан тортиб, қудратли дастгоҳларгача, газ ва сув қувурларидан тортиб юрт транспортининг қон томири пўлат изларгача — ҳамма-ҳаммасига металл зарур. Самолётсозликка, автомобилсозликка, машинасозликка, қурилишларга кўплаб металл керак

ТАЪЛИМДА ЯНГИЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Боши 1-бетда).

Баъзан нега мактабингизда аҳвол яхши эмас, десангиз «Мактаб биноси эски, шароитимиз йўқ» деган жавобни оласиз. Менинг назаримда, мактабда таълим мазмуни, яъни мактабнинг ички жиҳози муҳим. Малака ошириш институтида бу борада ҳам талай тажрибалар мавжуд. Шунинг учун ҳам биз педагогик ўқишларни Бухорода ўтказишга қарор қилдик.

Педагогик ўқишнинг мақсадига келадиган бўлсак, биз 5 йил ичида дастурлар, дарсликларни янгиладик. Бу мактабларда қандай амалга ошириляпти, ўқитувчилар уларни нечоғлик ўзлаштириб олишмоқда, ўқувчига қай даражада етказиб беряпти. Мақсадимиз мана шулар ҳақида тажриба алмашиш, уларни оммалаштириш, янгиликларни мактабга тезроқ етказиш. Газета ва журналлар, қўлланмалар орқалигина эмас, шахсий мулоқот, баҳс, мунозара орқали етказиш эди. Педагогик ўқиш якунлари бу борада талай ижодий тажрибалар мавжуд эканлигини кўрсатди.

Айни пайтда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳақида ҳам гаплашиб, фикрлашиб олишимиз лозим.

Биринчи масала — бу педагогик диагностика. Ҳозирги вақтда у мактабларимиз учун энг зарур иш бўлиб қолди. Эндиликда болалар билимини баҳолашнинг беш балли тизими замон талабига жавоб бермай қолаётир. Бундай баҳолашда ўқитувчи савияси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар у билимлироқ бўлса, ўз касбининг устаси бўлса, шу даражада юқори баҳо қўяди. Савияси ўртачароқ муаллим ҳам шу даражадан келиб чиқиб энг юқори баҳо қўяди. Бундан кўриниб турибдики, 5 балли тизимда баҳолаш кўпроқ ўқитувчи шахсига, педагогик маҳоратига боғланиб қолмоқда. Яъни ўқитувчи баҳо қўйганда унинг ўқувчига шахсий муносабати ҳам таъсир кўрсатади. Бу ерда ўқитувчи эмас, бола ютқазиб қўймоқда.

Шунинг учун биз педагогик диагностикани тезроқ жорий этишимиз лозим. Диагностика тест орқали ўтказилади. Маълум бир мавзу, маълум бир боблар ўрганилгач, ўқитувчи улар билимини 100 баллик тизимда ЭҲМ орқали тест синовидан ўтказади.

Ҳозир биз мактабларда бу йилдан бошлаб синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини бекор қилдик. Нима учун? Ўзингиз ўйлаб кўринг, бутун бир йил давомида ўрганмаган дастурини ўқувчи имтиҳон давридаги икки-уч кунлик қисқа фурсатда ўзлаштира оладими? Агар йил бошидан ўқувчи билими рейтинг тизимида баҳолаб келинса, натижа ўз-ўзидан равшан бўлади. Хуллас, ўқув жараёнига баҳолашнинг рейтинг усулини олиб кириш ва шу асосда педагогик диагностика, яъни таҳлилни йўлга қўйиш — болалар билимини холис баҳолашга олиб келади. Болада ўз билимини ўзи назорат қилиш, ўз камчилигини ўзи тузатиш учун имконият яратилади.

Яна бир масала таълим стандартлари, таълим мазони масаласидир. Мактабларимиз фаолиятига назар ташласак, биридаги таълим иккинчисидан фарқ қилади. Жамоада педагогик маҳорат, билим қандай бўлса, ўқувчиларнинг умумий савияси шу даражада бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, барча мактаблар учун умумий мезон, меъёр бўлиши лозим. Боғчалар учун ҳам. Бола ёши ва синфига кўра ҳар бир фан бўйича нималарни билиши лозим — бу давлат стандартида акс этиши керак.

Ҳозир мана шу йўналишда иш олиб бориляпти.

Шундай қилиб биз боғча, бошланғич таълим, таянч таълим, умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим стандартидан дунё стандартига чиқамиз.

Дунё стандартида ўрта мактабга қандай талаблар қўйилмоқда. Биринчидан, бола чет тилини билиши керак, иккинчидан иқтисодий билимга эга бўлиши, учинчидан ўз тилини пухта ўзлаштириши ва бошқа фанлардан етарли тушунча олиши лозим.

Шундай қилиб, давлат стандартларини яратиш таълим ислоҳотида энг муҳим вазифадир.

Яна бир масала — ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш. Бу ўқув режаси, дастурлар ранг-баранглигини, ҳали айтиб ўтганимиздек, давлат стандартлари асосидаги ўзига хосликларни назарда тутади.

Ўқувчилар мойилликлари, қизиқишлари ва билим савияларига кўра табақалаштирилади. Табиий савол туғилади: табақалаштириб ўқитишни қачон бошлаган маъқул? Баъзиларда биринчи синфдан бошлаш керак деган фикр юрибди. Шахсан мен бунга қаршиман. Чунки болада, аввало, ҳаётга нисбатан маълум тушунчалар, ўзига хос дунёқараш шаклланиши лозим. Яъни табақалаштириб ўқитиш бошланғич таълимдан сўнг, таянч таълими жараёнида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бунда боланинг хоҳиши, майли-истаги, иқтидори ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 9—11-синфларда эса тўла табақалаштиришга ўтиш керак.

Афсуски, бу жараён ҳали таълим тизимида суст кечаяпти. Бинобарин, қишлоқ жойларда фанлар бўйича лицей, гимназия синфлари сонини кўпайтириш, шаҳарларда эса «Нафис санъат мактаби» қуринишидаги маълум ихтисосликларга йўналтирилган янги турдаги ўқув муассасалари тармоғини кенгайтириш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Агар ўқувчи ҳунар эгаллашга мойил бўлса 9-синфдан сўнг шу соҳалар бўйича ўқиш, ишлаш имкониятига эга бўлади. Яъни биз ўқувчи 11-синфни битиргунча иккинчи йўналишда ёшларни етказиб берамиз. Бир йўналиш — фанлар бўйича, иккинчи йўналиш — меҳнат қўникмалари бўйича.

Боғча муаммоси. Яхши маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида боғчалар фаолияти ҳам тубдан ўзгарди.

Айрим жамоа хўжаликлари турли баҳоналар билан тасарруфларидаги боғчаларни ёпиб қўйишмоқда. Ҳозир биз тегишли вазирликлар билан бунинг сабабларини чуқурроқ урганаяпмиз.

Гап шундаки, ҳозирги кунга келиб боғча биноларини ким ошди савдосига қўйиш каби узоқни кўра билмаслик ҳоллари содир бўлиб турибди. 802 та боғча ёпиб қўйилган. Натижада болаларни боғчага жалб этиш 37 фоиздан 26 фоизга тушиб қолди. Нима қилиш керак? Ҳар қандай шароитда ҳам боғча қўлдан кетмаслиги, таълим-тарбия маскани бўлиб қолиши лозим. Маълумки, 2 навбатли мактабларимиз 72 фоизни ташкил қилади. Уч навбатли мактабларимиз ҳам бор. Агар шу биноларни 2 навбатли мактабларга йўлдош қилиб бериб, бошланғич таълим йўлга қўйилса, мактаб имконияти янада кенгайиши шубҳасиз.

Боғчанинг жамиятимиздаги вазифаси ҳам соғлом болаларни тарбиялаш, ҳам саводхон қилиш. Лекин ҳозирча барча болаларни боғчага тортиш имкониятига эга эмасмиз. Бундан чиқди, боғчага қатнамаётган бола эътибордан четда қолиб кетаверадими? Йўқ, албатта. Мана икки йилдирки «Болаларни мактабга тайёрлаш» дастури ишлаб чиқилиб болаларни оилада, маҳаллада, мактаб қошида саводхон қилиш тажриба қилинмоқда. Шанбалик, якшанбалик кунлари ташкил этилмоқда. Бу тажриба Наманганда яхши йўлга қўйилган. Тошкент шаҳри, Андижон вилоятида кўзга ташланиб қолди. Агар дастур барча вилоятларда изчил амалга оширилса, «Алифбо байрами»ни иккинчи чорак якунида эмас, Мустақиллик кунида ўтказиш имкониятига эга бўламиз. Хуллас, оила таълими бизга бир томондан тарихий мерос. Иккинчи томондан, Япония мисолида оладиган бўлсак, жаҳон тажрибасида синовдан ўтган. Қолаверса, кичик корхоналар, қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари узларининг ихчам боғчаларига эга бўлса, бу айни замон талаби эмасми? Кези келганда айтиб ўтиш жоиз. Ҳозир республикамизда 14 мингга яқин оила боғчаси ишлаб турибди.

Ҳар бир даврнинг мактабга ўз талаби бўлади. Бугунги талаб — бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган, ишлай биладиган ёшларни тарбиялаш. Президентимизнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» рисоласида аниқ белгилаб берилганидек, «Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган дир».

Бинобарин, ўқувчиларга иқтисодий билим асосларини ўргатиш таълим жараёнидаги устивор йўналишлардан. «Иқтисодий билим асослари» фани шу кунгача мактаб ихтиёридаги соатларда ўтиларди. Эндиликда у давлат ихтиёридаги соатларга, яъни ўқув фанлари таркибига киритилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ўзининг иккинчи — ҳал қилувчи босқичига кирди. Жамиятимизда рўй бераётган бу иқтисодий ўзгаришлар мактаб жараёнида тўлиқ акс этиши лозим. Ҳозир «Иқтисодий билим асослари»ни ўқитиш юзасидан концепция, дастур ва дарсликлар яратиш ишлари бошлаб юборилди. «Иқтисодий билим асослари» боғчадан тортиб, олий ўқув юртларигача бўлган таълим жараёнини тўлиқ қамраб олади. Иқтисодий йўналишдаги синфлар, лицейлар янада кўпаяди.

Бу вазифалар, шубҳасиз, Халқ таълими вазирлиги тизими олдига бозор ва мактаб муаммосини қўймоқда. Тўғри, Конституциямизда «Таълим тўғрисидаги Қонун»га биноан бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланган. Ҳар йили маориф ривожи учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Лекин турли шароитлардаги туманларнинг иқтисодий имкониятлари турлича. Шунинг учун биз мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, маорифда тадбиркорлик ишларини кенг қулоч ёйдиришимиз лозим. Мактабда меҳнат таълими асосида миллий ҳунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш устахоналари ташкил этиш, ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, репетиторлик хизматлари ташкил этиш шулар жумласидан. Узининг банкда ҳисоб рақамига, минглаб пул маблағига эга мактабларимиз борлиги қувонарли, албатта. Даромад улар учун ўқитувчилар ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириш, таълим мазмундорлигини ошириш манбаи вазифасини ўтамоқда.

Шундай мактабларимиз ҳозирда мингдан зиёд. Нега ҳаммаси эмас? Бунга жавоб битта: директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай. Хўш, бугунги кун раҳбари учун энг муҳим фазилатлар нималардан иборат? Бу энг аввало талабчанлик — ўзига нисбатан, қўл остидагиларга нисбатан. Иккинчиси, у ўз касбининг чинакам устаси бўлсин. Учинчиси — ўзи ташаббускор ва ташаббусларни қўллаб-қувватловчи бўлсин. Тўртинчиси — ғамхўрлик. Раҳбарда мана шу тўрт фазилат мужассам бўлса, мактабда интизом бўлади, ижодий муҳит яратилади, таълим-тарбия сифати ошади.

Булар, юқорида таъкидлаб ўтганимдек, замон маориф олдига қўяётган шарт-шароитлардир. Бу шарт-шароитлар, жумладан, тадбиркорлик ишлари мактаб учун жонажон вазифа — таълим ва тарбия мазмундорлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Таълимда энг муҳими биз учун билимдир.

Шу маънода, Узбекистон Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган педагогик ўқишлар узини оқлади. У халқ таълими тизимида илгари маълум бўлмаган, оригинал педагогик услубга, маҳоратга эга, назария ва амалиёт уйғунлигига эришаётган ўқитувчиларни юзага чиқарди, илғор иш тажрибаларини, таълимга янгича ёндашувларни аниқлаб берди. Мустақиллигимиздан буён ўтган қисқа вақт ичида амалга оширилган кенг қўламли янгиланиш жараёни шундай деб айтиш учун тўла асос беради!

АЗАЛДАН МАЪРИФАТЧИ ЭЛ БУ

Мавлон РАҲМОНОВ,
Бухоро вилояти ҳокими

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифимиз маърифат нуридан янада чароғон бўлиб, унинг шуҳрати шуҳ қўшилди. Чунки азал-азалдан илм-маърифат маскани, дину-иймон ва тарбия гулшани ҳисобланган қўҳна шаҳримизга мустақил Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан 600 га яқин ижоткор ва новатор ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислар ташриф буюриб, ўзларининг анъанавий Республика педагогик ўқишларига тўпландилар.

Шуни зўр қувонч билан билдирмоқчиманки, Бухорога ташриф буюрган Европа Иттифоқи Комиссиясининг комиссари жаноб Ханс Ван Ден Брукга ҳамроҳлик қилиб шаҳримизга келган Республикамиз Президенти ҳурматли Ислом Абдуганиевич Каримов ҳам ўқитувчиларнинг Республика педагогик ўқишлари бу ерда ўтаётганидан хабардор бўлиб, анжуманга келган барча таълим-тарбия усталарига қизғин саломлар ва эзгу тилаклар йўлладилар.

Миллий ғуруримиз билан ҳисоблашмай она тилимизни, қадриятларимизни, ота-боболаримиздан қолган илмий меросни, ўзлигимизни камситиб, фақат ўз маданияти ва маорифини бизга тиқиштириб, фарзандларимизни юрт меҳридан бегона, манқурт инсонлар қилиб тарбияламоқчи бўлган «қизил империя»нинг ҳалокатли оқибатлари ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Октябр инқилобигача ўзбек халқининг 99 фоизи саводсиз эди, деб оламга жар солган марказ мафкурачилари Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Улуғбек каби буюк мутафаккирларни етиштириб берган қўҳна диёр маданиятидан, жаҳон тараққиётининг бешиклари ҳисобланмиш Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги илмий марказлардан кўз юмиб, оқни қора, қорани оқ дедилар.

Фақат Ўзбекистон мустақиллиги, юртбошимизнинг бекиёс шижоати туфайли бу таъна-дашномлардан қутулиб, ўзлигимизга қайтдик, эркин нафас олган халқимиз қаддини ростлади, иқтисодиётимиз ривожланиш йўлига тўди, маориф ва маданиятимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли мактабларимизда таълим - тарбия сифати яхшиланмоқда, янги турдаги ўқув юртлари ташкил этилмоқда. Биргина Бухоро вилоятида учта олий ва 14 та ўрта махсус ўқув юртининг, 475 та умумтаълим мактаби, 21 та лицей ва гимназия, 29 та ҳунар- техника билим юрти ва 798 та мактабгача тарбия муассасасининг фаолият кўрсатаётгани бу юксалишдан ёрқин далолатдир. Бухоролик ўқувчиларнинг бугунги кунда Туркия, Миср, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлардаги ўқув юртларида муваффақиятли ўқиётганликлари мактабларимизда таълим сифатининг юқорилигини кўрсатиб турибди.

Мустақиллигимиз берган ана шу мевалардан бизларни яна маҳрум қилиб, бўйнимизга тобелик занжирини солиб, собиқ СССРни яна қайтадан ташкил этмоқчи бўлган кучларнинг ниятлари қора эканлигини вилоятимиз халқи, шу жумладан педагогларимиз яхши биладилар.

Бизни мустақиллик ва тараққиёт йўлидан ортга қайтарадиган куч йўқ. Чунки бу бутун халқимизнинг қатъий сўзи, қалб муддаосидир.

Республикамиз Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов Узбекистон Олий Кенгашининг сўнги сессиясида ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоят Кенгашларининг сессияларида сўзлаган нутқларида халқ таълимини янада такомиллаштириш, мактаб ислоҳотини давом эттириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг долзарб вазифаларини кўрсатиб ўтдилар. Вилоят ҳокимлиги ва унинг халқ таълими бошқармаси ана шу вазифалар асосида маориф муассасалари фаолиятини такомиллаштиришнинг 1996—2000 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда.

Бухоронинг Қори- Йўлдош Пулатов, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Мусажон Саиджоновдек фидокор маорифчилари бошлаган шарқ педагогикаси анъаналарини давом эттираётган истиқлол даври ўқитувчиларимизнинг бу вазифаларни шараф билан уддалашига ҳамда уларнинг ёш авлодни мустақил Узбекистонимизга муносиб кишилар қилиб тарбиялашига аминмиз.

БУХОРОНИНГ УЧ КУНИГА УЧ ЧИЗГИ

ёки Республика педагогик ўқишларидан олинган ташбеҳлар

«Сафар ихтиёр этсанг, манзилнинг танобини поездда торт». Кимнингдир шундайми ёки шунга ўхшашми гапи бор. Биз ҳам ушбу ақидаги амал қилиб, «Тошкент — Бухоро» поездига ўтириб, қайдасан шаҳри шариф дея равона бўлдик. Поезд яхши-да. Ҳамроҳлар кўп булади. Янги танишлар орттирасиз. Гангир-гунгир қилиб, қандай етиб борганингизни ҳам билмай қоласиз. Хуллас, поезднинг тарақ-туруқига мос чайқалиб, суҳбатлашиб кетаяпмиз. Иттифоқо, йўлдошларимиздан бири бизни «Маърифат»дан эканимизни билиб, хурсанд бўлиб, газетада берилаётган мақолалар, чиқишлар ҳақида фикр билдира кетди. «Сиртқи дарс» яхши бўляпти, деди. Сўнг, сафар ҳалтасидан «Маърифат»нинг янги сонини олиб, кўз-кўз қилди. Хурсанд бўлиб кетдик. «Жуда «Маърифат»чи экан-у Бухоро халқи» деган муҳр босилди шуурримизга.

Одатда, бирор нарса ҳақидаги фикрингизни илк таассурот белгилайди. Бизнинг илк таассуротимиз илиқ фикрнинг учқунига «пуф»лаб юборди. Ва шу аланга билан Бухорога кириб келдик.

САЛОБАТЛИ ПЕДЎҚИШ

Салобатли одамлар бўлади. Улар билан ўтирсангиз, ўз-ўзидан кўзларингиз ерга қадалади. Қимтиниб, тортиниб қоласиз. Чунки уларнинг салобати бор. Салобат худди нур янглиг бўлармиш. Салобатлилар ўз манзилларини жилвалантириб туришармиш. Ва уша жой ҳам салобатли бўлиб қоларкан. Шу боис, Бухоро ҳам салобат-соҳиб шаҳар. Мана шундай фалсафа суқиб ўтирган эдик, фалсафанинг каттаси кейин чиқиб қолди. Қаранг, салобатли одамлар салобатли шаҳар манбаи. Демак, ўз-ўзидан маълумки, салобатли шаҳарда ўтадиган анжуман ҳам салобатли бўлиши керак. Энди ён дафтарингизга катта ҳарфлар билан ёзиб қўйинг: «Бухорода салобатли педагогик ўқишлар бўлиб ўтди».

АВВАЛ КАЛОМ, КЕЙИН ТАОМ

Сиз ҳайрон бўлманг, мақолда андак англашилмовчилик кетибди деб. Йўқ, биз адашган эмасмиз. Худди шундай бўлди. Бухорода ўтган Республика педагогик ўқишларида. 420 тажрибали ўқитувчи — 420 та ўзига хос маъруза. Соатлаб фикрлар, мулоҳазалар тингланди, 30 шўъбада. Ноанъанавий, қизиқарли дарс ўтиш услублари ўқитувчиларни ўз гирдобига шундай тортиб кетдики, тушлик деган сўз хаёл саватчасидан тушиб қолди. Ҳамма янгликни ўзлаштириш иштиёқида эди. Ҳамма ўз тажрибаси билан ўртоқлашиш пайида эди.

Зўрга-зўр дуч келганда, атрофга ёлқинлар сачрайди, дейишади. Уз иши олдида таомни ҳам унутиб юборадиган фидойилар бор экан, маорифимиз йўли нурафшон бўлаверади!

ҚОЗОН ЧЎМИЧИ БИЛАН БУТУН

Педагогик ўқишларнинг уч иш куни. Мамлакатимиз миқёсидаги ва ноанъанавий дарсларимиз ва ўзгача тилаклар ўқишларимиз ва ўзгача тилаклар ўқишларимиз ва ўзгача тилаклар ўқиш

Чингиз АЙТМАТОВ, Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари ассамблеясининг президенти:

БИЗ — БИРГАМИЗ

Мен бир нарсани айтишни истардим: бизга тарих ҳеч вақтда қайтарилмайдиган имкон берди. Юз йилларда, минг йилларда бундай имкон бўлавермайди. Бир келди бу имкон. Биз энди ўзимизнинг ким эканлигимизни билишимиз керак. Мана, ўзбек халқи, қозоқ халқи, қирғиз, туркман, тожик халқи — ҳар бир халқ ўзининг тарихда изини қолдиргиси келади. Мана шу шароитда биз киммиз, деган бир масалага келиб тақаламиз. Биз янгидан қад кўтарган, янги тарих, янги цивилизацияга ўтаётган халқлармиз. Демак, биз ўзимизни ўзимиз далиллашимиз керак. Ўзимизни ўзимиз мустаҳкамлашимиз керак...

Одил ЁҚУБОВ,
Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари ассамблеясининг вице-президенти:

МЕҲР-ОҚИБАТ УСТИВОР

...Асрлар оша чекилган азоблар шуни яққол кўрсатмоқдаки, бирлашган, бир мақсад, бир ният билан, тоза қалб, олижаноб, эзгу туйғулар билан якдил бўлган халқ, эл-элат фақат ютар, фақат муваффар бўлар. Шарт шуки, ўртада ҳийлага заррача ўрин қолмасин... Бахт-саодат эшиклари, порлоқ келажак фақат ана шундай бирлашган халққагина насиб этар.

Салом аёллар учун

ЖУРНАЛИ

МЕҲМОНИМИЗ



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ

* * *

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки беҳишт мавжуд юлдузлар аро.
Менинг Узбекистон — Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълодир аъло!

* * *

Паймоналар ўз-ўзидан тўлган эмас,
Мангулик ҳам бир лаҳзада бўлган эмас.
Ҳой рақибим, алай-балай дема менга,
Мен ўлмайман, чунки бобом ўлган эмас.

* * *

Дўстим, Ҳақ деганни қўллагин фақат,
Парвоз қилар бўлса — осмони бўлгил,
Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

* * *

Токи тонг отгунчалик интиқ қилар Қуёшни,
Қишнинг бели ёй каби букилгайдир бу юртда.
Болга билан бир урсанг учраган ҳар бир тошни
Олтин қуми шовуллаб тукилгайдир бу юртда.

Мактаб момо Юсуф ҲОЖИ қизи

ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, ОДАМЛАР

ТИНГЛАШДА ҲАМ СИР КЎП

Оллоҳ қулоқни жуфт яратгани бежиз эмас. Одамларни тинглай билиш уларнинг дардини олиш билан баробардир. Дардингизни олай, одамлар!

ДУО ОЛИНГ

Ота-оналарни боғлаб қўйгани йўқ, тирикликларида қадрларига етиб, уларнинг дуоларини олинг, кам бўлмайсиз.

ТОМЧИ ТОМЧИЛАЙДИ

Томчи томчилаб турса, тошни ҳам тешади. Ёмон гапириб, таъналар қилавериб, ҳар қандай сабрли инсоннинг ҳам сабр косасини тўлдириш мумкин. Ёмон гап жаҳолат, умр заволидир. «Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан мусулмон динидан».

КЎЗ ҚОРАЧУҒИДАЙ...

Саломатлик — туман бойлик. Агар уни ёшлик чоғидан асрасангиз, қадрласангиз, ҳеч пушаймон бўлмайсиз. Умрингиздан барака топасиз. Лекин, вой дариғ, бу ҳикмат маҳзини чақмаганлар қанча... Ичадилар, чекадилар, ўзларини ўзлари адо қиладилар. Шунинг касрига гўлдай оилалар нурайдитўкилади...

Жон болаларим! Бир онаизор сўзига қулоқ солинг: ёш умрингизни хазон этманг, соғлигингизни асранг. Кўз қорачуғидай, ор-номусдай асранг. Бу тирик жон учун фарзу қарз, айланай...

СУТГА ТЎЙГАННИНГ УМРИ ОБОД

Исириқ

Гўдак ўз вақтида эмиб турмаса, она хасталанади, сути тортилади; ҳатто умуман сут келмай қолиши мумкин, чақалоқнинг сунъий озиқ билан боқилиб, ҳаётий зарур моддалар ва витаминлар билан тўйиннмай қолиши унинг нимжон, касалманд бўлиб ўсишига олиб келади. Бу аянчли оқибатнинг охири шундайки, онасини тўйиб эммаган бола қалбида маънавий кодлар уйғонмай, у одамларни, қариндош-уруғларини, ҳатто ҳаётига боис бўлган ота-онасини севиш, ҳурматлаш ҳиссидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Халқ «Она сути билан кирмаган тана сутидан кирмас» деб бежиз айтмаган, ахир. Бола танаси ва руҳиятида ҳар хил жараён мўътадил кечиши, турли дардларни писанд қилмай бақувват ва соғлом ўсиши кўп жиҳатдан, аввало, она сиҳати ва сути билан боғлиқдир. Абу Али ибн Сино она сутини қуёшга қиёс қилгани бежиз эмас. Ер юзасидаги барча тирик мавжудот ва ўсимликлар дунёси учун қуёш шуъласи қанчалик зарур бўлса, бола тақдирида она сути шу қадар катта мавқе эгаллайди.

Она сути — мўъжиза. Унинг таркибида баркамоллик воситалари бўлган жами биологик фаол моддалар ва микроэлементлар мавжуд. У — ҳазми енгил, қуввати зўр, турли микроблардан холи, пишириш ва ишлатишни талаб қилмайдиган тайёр озиқ. Ҳали чақалоқ жисми физиологик жиҳатдан тўлиқ етилмаган, ҳазм қилиш аъзолари чиниқмаган, модда алмашинув фаолияти яхши такомиллашмаган, демак унга фақат шундай таом керак.

Шуҳрат ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Педиатрия илмий текшириш институти клиникасининг бош врачи.

ЧЎМИЛТИРИШ — ҲИКМАТ

Ойбеланчак

Чақалоқ чўмилтириладиган хона етарли даражада иситилиши, бу иш учун алоҳида тоғорача бўлиши лозим, унда кир ювиш ва бошқа болаларни чўмилтириш асло мумкин эмас. Гўдак бир ойлик бўлгунча, у чўмилтириладиган сув қайнатилиб, совутилади, ҳарорати 37 даража атрофида бўлгани маъқул. Ҳар куни чўмилтиришдан олдин мурғакни 1-2 дақиқа ечинтириб қўйиш зарур. Муҳими, аввал таглиқ, ич кийим ва катта юмшоқ сочиқ тайёрлаб қўйилади. Сунг она чап қўли билан чақалоқ бошининг орқа томонидан елкасини ушлаган ҳолда эҳтиётлик билан сувга туширади: олдин кўкраги, қорни, қўли, оёғи ювилади. Шундан кейин бола чап қўлнинг билагига кўкраги билан ётқизилади ва қўлтиғи тагидан ушланган ҳолда елкаси, орқаси ва чови ювилади. Агар юзи ва боши иккинчи тоғорадаги сувда ювилса, мақсадга мувофиқ. Тоғорадан чиқарилгач, оч пушти ранг марганцовкали сув ёки иттиканак дамламаси қўйилади. Агар болага иссиқлик тошган бўлса, бу сув иссиқлиги чўмилтирилган сувникидан бир даража паст бўлиши лозим. Шу йўл билан болани чиниқтириш мумкин. Агар болада қазғоқ пайдо бўлгани кузатилса, уни асло қўлингиз билан кўчирманг. Бошига тозаланган пахта мойи суртиб қўйиб, чўмилтираётганда сочини аста-аста тараш керак. Тароқни ҳар сафар яхшилаб ювинг ва уни бошқа болаларга ишлатманг.

Зулхумор УМАРНАЗАРОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

Сусамбил

ДОНО ҚИЗЛАР

Қадим замонларда, узоқ бир шаҳарда, бир подшо бўлган экан. У ўзининг мамлакати бўйича энг доно (киши) ҳисобланаркан. Ўша (подшо) ўзининг мамлакатида бирон жойда бironта доно киши дарагини эшитиб қолса ёки билиб қолса, хотин-қизлардан бўлса, ўзига чўри қилиб, хотин қилиб олар экан, эркак бўлса, қул қилиб оларкан.

Бир вақти подшо ғамгин бўлиб ўтирган паллада, ёнидаги ёрдамчилари:

— Подшойи олам, нима бўлди сизга, мундоқ қайғуриб қолдингиз, хафа бўлдингиз? — деса.

— Ҳа, ўзимдан-ўзим хафа бўлдим-да, — дебди.

— Ҳа, сизни биз билаяпмиз, кўнглингизнинг тагида шу, яна бironта қизга уйланишга (майл) бор чоғи? — деб айттандан кейин.

— Ҳа, ана ўзларингиз тушунасизлар-ку, энди мендан сўраб нима қиласиз, — дегандан кейин,

— Бўлмаса, подшо, бир жойда бир яхши қиз бор, ўшанга совчиликка борайлик, шунга уйлантирайлик, — дейди. Подшо:

— Ҳой, ундоғ бўлса, жудаям яхши, борингилар совчиликка, — деб уларни совчиликка юборибди.

Шу доно қизнинг уйига совчилар етиб бориб, қизга айтадилар:

— Биз сизга совчи бўлиб келдик, — дейдилар. Қиз айтади:

— Кимдан совчи бўлиб келдинглар?

— Биз фалон подшодан совчи бўлиб келдик.

— Қайси фалон подшо?

— Ўзимизнинг подшодан.

— Ҳа, у доно подшоданми?

— Ҳа, доно подшодан.

— Бўлмаса, доно подшога мен тегишта розиман. Лекин менинг шартим бор. Шартим шуки, менга тўй-томоша ёки қалин пули, ҳеч нарса керак эмас. Агар мени подшо олмоқчи бўлса, менинг уйимдан то подшонинг уйига олтин поёндозда борсам. Шу вақтда подшога тегаман, — деб айтади қиз.

Кейин подшонинг совчилари жа думоғи чоғ бўлиб: «Э, бўпти бўлмасам, подшонинг хазинасида тилло кўп», — дейишибди-ю, подшога келиб:

— Подшойи олам, қизнинг розилигини олдик, — дейди. Подшо:

— Қандоқ розилигини олдингиз, қанақа тўй-томоша керак экан? — деса:

— У қизга, тўй-томоша, ҳеч нарса керак эмас экан. Қизнинг эшигини олдидан, то шу сизни турган жойингизгача тилла поёндозда келишни истаркан. Тилла поёндоз тўшасангиз келаверайкан хотин бўлиб, — дегандан кейин:

— Ундоқ бўлса, хазинадаги бор тиллаларни чиқаринг, оёғининг тагига сочинг, — деди. Подшонинг одамлари хазинадаги тиллоларни чиқариб, бутун йўл билан сочиб боради. Ярмига боргандан кейин тилла етмайди. Хазинада тилла қолмайди. Подшога қайтиб келиб айтадилар.

— Подшойи олам, бу қизнинг дарвозасига тилло етмади-ку, нима қиламиз, — дегандан кейин.

— Қиздан бориб сўранглар қани, нуқраям сочса бўларканми, йўқми? — дейди. Кейин қизнинг олдига борадилар.

— Подшонинг хазинасида тилла соп бўлди. Ҳаммасини сочиб бўлдик. Поёндозга нуқраям сочсак бўладими, йўқми? — дейди. Кейин қиз айтади:

— Ким айтди сизга тиллоларни ер устига, оёқларнинг остига сочгин деб, — дегандан кейин:

— Подшо айтди, — дейди.

— А, подшонинг ақли кам экан, мен уни доно подшо десам, ўтакетган аҳмоқ подшо экан. Агар доно подшо бўлган бўлсайди, тиллони оёқ остига сочмасдан бир отнинг тўрт оёғига тўртта тилладан тақа қилиб, мени отнинг устига миндириб борса, тилла поёндозда боргандай бўлардим. Бор, подшонгга айт, тегмайман бундоқ аҳмоқ подшога, — деб юборади. Бўлар, совчилар қайтиб подшога шундоқ дегандан кейин, подшо жуда қайғуради. «Ҳақиқатданам мен аҳмоқ бўлибман-да, наҳотки, шу нарсага ақлим етмади», деб қайғуриб ўтирган паллада ёнидаги вазиру доноси айтади:

— Подшойи олам, қўйинг, кўп қайғурманг, хафа бўлманг, бу қиздан бошқа энг доно, энг чиройлик бир қиз бор. Шунга совчи юборамиз, — дейди.

Кейин у қизгаям совчи тўплаб юборишади. Совчилар қизнинг дарвозасига борсалар, бир чол киши турибди. Чолдан сўрайдилар:

— Сиз ким бўласиз бу ерга?

— Ҳа, мен шу ҳовлининг эгаси бўламан.

— Шу, фалон қиз шу ерда турадими?

— Ҳа, шу ерда туради.

— Бу қизнинг кими бўласиз?

— Мен шу қизнинг отаси бўламан.

— А, ундоқ бўлса, жудаям яхши, биз фалон подшодан, ўзимизнинг подшодан қизингизга совчи бўлиб келяпмиз, — дейди.

— Ҳай, жуда яхши қилибсизлар келган бўлсанглар. Мен қизимни ўқитдим, ўстирдим, уни ақлга эга қилдим. Энди ихтиёрини ўзига берганман. Қизимнинг ўзидан кириб сўранглар, қизим агар рози бўлса, тегсин, — дейди қизнинг отаси. Кейин қизнинг олдига кирадилар. Қиз билан саломлашиб ўтириб:

— Биз, қизим, сизга совчи бўлиб келдик, — дейди.

— Кимдан?

— Ҳа, ўзимизнинг подшодан, — дейди.

— Подшонгиз неча ёшга кирдилар? — деса, улар айтади:

— Подшомиз етмиш ёшга кирдилар.

Қиз айтади:

— Э, жуда яхши, менбоп куёв экан у киши: Майли, мен у кишига тегаман. Лекин менинг шартим бор, — дейди.

— Ҳа, айтинг шартларингизни? — дейди:

— Менинг шартим шу, подшо менга тўй-томоша бермасин. Қалин бермасин. Фақат подшо менга 20 та тулки, 30 та бури, 40 та қилич, 50 та нўхталанган от, 60 та ахталанган от, 70 та тахта берсин, — дейди. — Бошқа ҳеч нарса керак эмас, бўлди подшоингизга айтинг, шу нарсаларни юборсалар, биз келин бўлиб бораверамиз, — дейди.

Бу совчиларнинг димоғи чоғ бўлади. «Ўзимиздан топиладиган нарса экан, бу қизни олиб кетамиз», деб, подшонинг олдига борадилар. Подшога айтадилар:

— Подшойи олам, биз ишни бажардик.

— Ҳа, нима қилдинглар?

— Қиз рози бўлди сизга тегишга.

— Хуп, қани, тўйга нима сўради биздан?

— Йўқ, тўйга ҳеч нарса сўрамади. Сиз тўй бермас экансиз, ҳеч нарса керак эмас экан, фақат қизнинг талаби: 20 та тулки, 30 та бўри, 40 та қилич, 50 та нўхталанган от, 60 та ахталанган от, 70 та тахта керак эмиш, — деди.

Подшо бу гапни эшиттандан кейин пешонасига бир урдиу, нима қиларини билмай, ерга қараб қолди. Совчилар подшога қараб ўтиравердилар: «Қани, подшо нима жавоб қилади, бирон нима уйлаяптида», деб. Охири чидаёлмадилар-да, совчилар сўрадилар.

— Э, ахмоқлар, биласизларми, бу қиз нима деб айтибди? — деди подшо.

— Билмаймиз, мана шу бор нарсаларни айтган-да, — дейишди.

— Йўқ, — деди подшо, — бу қиз ҳақиқатда ҳам доно қиз экан.

Мени тоза ўлдирди. Бу айтибди: «Сен 20 ёшга кирган палланга тепадан-тепага тулкидай сакрардинг. Ўша палла қаерда эдинг, мени олсанг, 30 га кирган паллангда буридай эдинг, олдингдан чиққанни тилка-пора қиладиган эдинг — йигит эдинг, ўша палла қаерда эдинг мени олсанг, 40 га кирган паллангда миянгнинг тўрт тарки тўлиб, ҳақиқий, чин одам бўлган эдинг, ўша палла қаерда эдинг мени олсанг. Энди 50 ёшга киргансан, уйлангансан, нўхталисан, мени олиб номаъқул ейсанми?! 60 ёшга киргансан, қаригансан, энди давринг ўтган, энди олиб мени номаъқул ейсанми?! Сен 70 ёшга кирибсан. Сенга хотин лозим эмас, сенга энди улим лозим — тахта лозим, — деб подшо тушунтириб берибди. Шу билан подшо айтибдики:

— Бориб айтинглар ўша қизга, энди мен ўша қиздан менг марта розиман, кечдим. Энди уйланмайман, — деб жавоб бериб юборибди.

Айтувчи:
Китоб шаҳрида яшовчи Ҳалим СОДИҚОВ.
Ёзиб олувчи:
Ш. ҒАНИ.

Мустақиллик уфқлари

КУТУБХОНА – МИЛЛАТНИНГ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ШАҲОДАТНОМАСИ

... Тарихий манбалар она диёримизда қадим замонларда ҳам улкан ва бой илму урфон ўчоқлари мавжуд бўлганидан дарак беради. Айниқса, саройлар, масжид ва мадрасаларга қарашли ҳамда шахсий кутубхоналар миллат фахри сифатида эсланади. Хоразмшоҳлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврига дахлдор маънавият ва маърифат хазиналари бутун мусулмон дунёсида ҳалигача машҳур. Темур ва темурийлар Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларида барпо қилган зиё масканларида, Шайбонийхон ва аштархонийларнинг Бухородаги кутубхоналарида башар ақлу идроки яратган ноёб дурдоналар тўпланган эди. X—XI асрларда Бухоро атрофларида бир қатор давлат таъминотидаги оммавий, умумташриф кутубхоналари ишлаб турган.

... Кейинги ўн йилликлар давомида мактаб кутубхоналари асосан дарсликлар олиш, тарқатиш ва йиғиб олишдек сидирга бир юмуш билан шуғулланиб қолишдики, шиддат билан олга интилаётган замон энди бундай фаолиятсизликни кечирмайди. Мазкур зиёхоналарда синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар бўткул камайиб кетди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида эса улар бундай нашр маҳсулотларини мутлақо ололмаётир. Ҳолбуки, ўқувчилар фақат дарсликлар доирасида ўралашиб қолмай, ўзлаштирган билимларини қўшимча адабиётлардаги маълумотлар билан бойитиб боришлари лозим. Шундагина улар фан асосларини яхшироқ ўзлаштиришади, ҳаётга — жамиятга алоҳида қизиқиш билан қарашади, келажакда мустақил фикрловчи мутахассис ходимлар бўлиб етишишлари учун пухта замин ҳозирланади...

Эркин ОХУНЖОНОВ.

ЎГИТ

Улуғ Бобурнинг фарзанди, Темурийлар шажарасига мансуб Хумоюншоҳ меросхўри Акбаршоҳга қилган ўгитларидан бирида шундай деган экан:

«Ўғлим, улуғ мақсадлар улуғ истеъдодларсиз — даврнинг энг комил сиймоларисиз амалга ошмагай. Дунёнинг ҳеч бир бойлиги, ҳеч қайси гавҳари ва жавоҳири юртнинг ўзи парвариш қилиб камол топдирган улуғ истеъдодлардек бу юртга қувонч ва шуҳрат етказа олмагай. Уларни аввалаб, камолат чўққиларига етказган давлатгина ўзининг энг олий камолат чўққиларига албатта, эришгай».

Ибн Сино дарсхонаси

МУҚАДДАС НЕЪМАТ...

...Ҳозир айрим ривожланган давлатларда ирсиятни ўзгартириш, яъни ген муҳандислиги усули билан супер-инсон яратиш устида яширинча тадқиқотлар утказилаётганлиги маълум. Супер-инсон тафаккур ва жисмоний жиҳатдан биздан юқорироқ туриши, у сув остида ҳам, коинотда ҳам яшаш лаёқатига эга бўлиши, овқатланмаслиги ва, умуман, ҳар қандай хасталикларга бардош бериши мумкин. Аммо ўша тадқиқотчилар бундай ғайритабиий одамни яратиш билан боғлиқ айрим салбий жиҳатларни ҳам мушоҳада қилиб кўришса бўлармиди? Ҳарҳолда, бундай уринишлар ҳанузгача бирор-бир ижобий натижа бермаганлиги ва бермаслиги табиий. Ирсият шунчалик нозик жабҳаки, унга ҳар қандай аралашув, генларни урнидан қўзғатиб алмаштириш жуда мудҳиш оқибатларга олиб келиши тайин...

Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

СИРТҚИ МАТЕМАТИКА МАКТАБИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент давлат университети қошидаги сиртқи математика мактаби янги қабул ҳақида эълон қилмоқда.
Мактабга 9-синфда ўқийдиган ўқувчилар қабул қилинади. Мактабга қабул қилиниш учун ўқувчилар ариза ва 8-синфдаги йиллик баҳолари ҳақида маълумотнома юборишлари керак. Мактабда ўқиш бепул, сиртдан 3 йил давомида олиб борилади. Ўқиш давомида ўқувчиларга топшириқлар юборилади ва ўқувчиларнинг жавоблари текширилиб, баҳоланиб борилади. Ўқиш охирида мактабни битирганларга гувоҳнома берилади.
Азиз ўқитувчилар, агар сиз ўқитаётган 9-синфда математикага қизиқувчи ва математика соҳасидаги билимларини оширмоқчи бўлган ўқувчилар бўлса, уларга бизнинг мактабга ариза ёзишни тавсия қилинг. Аризалар 20 майгача қабул қилинади. Уз адресингизни аниқ ёзишни унутманг.
Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ, механика-математика факультети, Сиртқи математика мактаби — СММ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил май ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

ТШХТБ методист-назоратчилари — ўзбек гуруҳи — 1-29.
ХТБ назоратчиларини тайёрловчи сиртқи курс — ўзбек гуруҳи — 1-29.
ВЎМОИ илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлари — ўзбек гуруҳи — 6-18.
Ёш техниклар ижодий маркази директорлари — ўзбек гуруҳи — 13-25.
ВЎМОИ ўзбек тили ва адабиёти фани методистлари, кафедра мудирлари — ўзбек гуруҳи — 1-15.
Ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўрганадиган мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-29.
Бошланғич синфларнинг инглиз тили ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-15.
Тарих ўқитувчилари учун муаммоли курс (ҚҚРда) — ўзбек гуруҳи — 13-19.
Тарих ўқитувчилари учун мақсадли курс (Сурхондарёда) — ўзбек гуруҳи — 1-7.
Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Самарқандда) — ўзбек гуруҳи — 13-18.
Экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича курс — ўзбек гуруҳи — 13-25.
Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-29.
Янги тур мактаб (лицей, гимназия, коллеж)ларнинг тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 1-15.
Олий ва биринчи тоифали бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-29.
Олий ва 1-тоифали кимё ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-15.
Миллий ҳунармандчилик бўйича меҳнат ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-29.
Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳуқуқ асослари (Хоразмда) — ўзбек гуруҳи — 1-15.
Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-5 май кунигача қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.
Телефон: 46-06-62; 46-06-67.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙИД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.
123456